

Китоб инсон маънавиятини юксалтиради



Маълумки, кейинги йилларда юртимизда китоб ишлаб чиқариш ва китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида кенг кўламдаги тарғибот тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Тарғибот тадбирлари туманимиздаги таълим муассасаларида давом этмоқда.

Тумандаги 12-сонли ИДУМда ҳам “Китоб совға қил ва маънавият улаш” чаленжи акцияси доирасида бўлиб ўтган тадбирда туман ҳокими Шухрат Назаров ҳам иштирок этиб мактаб кутубхонасига бадиий адабиётлар тўпламларини совға қилди.

Китоб ёшларимизнинг нафақат, билимини оширади, шу билан бирга кенг дунёқараш, юксак тафаккур соҳиби бўлиб камол топишида муҳим ўрин тутди.